



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март кuni бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни ушбу мамлакат президентлигига сайловда қозонган ишончли ғалабаси билан дилдан қутлаб, келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади.



Давлатимиз раҳбари 18 март кuni Ўсимликлар карантини ва химияси агентлигида бўлиб, соҳадаги режалар тақдироти билан таъинишди.



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 март кuni қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида инвестициялар жалб қилиш ҳамда экспортни кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Вьетнамга ташрифи бошланди. Бу мамлакатлар ўртасида 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилганидан бери Ўзбекистон ташқи ишлар вазинининг Вьетнамга илк ташрифидир.

12-14 март кунлари Ўзбекистон ёшлари Гийёханд моддалар бўйича комиссия (CND)нинг 67-сессияси доирасида БМТ Ёшлар ташаббуси томонидан ташкил этилган йиллик форумда илк бор иштирок этди. Тадбирда дунёнинг 27 давлатидан келган 35 нафар ёш мутахассис гийёхандликнинг олдини олиш ва ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилишди.



# ЭНДИ БАРИ БОШҚАЧА БЎЛАДИ

Меҳнат қиламан, даромад топаман, деган ҳар бир инсонга имконият эшикларигина эмас, дарвозалари ҳам очилди




3-саҳифада ўқинг...

## ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕТАКРОР ҚАДРИЯТИ

Юртимиз бўйлаб 16-18 март кунлари  
**«ОБОД ВА ФАЙЗЛИ  
МАҲАЛЛА - ЮРТ КЎРКИ»**  
шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилди.

Наврўз байрами арафасида ҳамда озодалик ва поклик оyi бўлган муборак Рамазон ойида ўтказилган ушбу хайрли ишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тизимдаги ташкилотлар вакиллари ҳам фаол иштирок этди.



Фарғона вилояти

Акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқарувининг 2023 йил 21 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Фарғона вилояти ҳудудий, туман-шаҳар филиалларининг ягона МФОга ўтказиш ҳамда уларнинг ўрнида замонавий вилоят минтакавий маркази ва банк хизматлари марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Халқ банки ҳудудий филиаллари штатлар жадвалидаги бир қатор штат бирликлари қисқартирилиши белгиланган. Шунингдек, ходимларнинг меҳнат шартномалари юқоридаги асосларга кўра бекор қилиниши қайд этилган. Жумладан, АТ Халқ банки Фарғона вилояти Бешарик, Олтиариқ, Қува-сой, Бағдод филиаллари хо-

димлари билан тузилган меҳнат шартномаси қисқартириш сабабли бекор қилинган. Ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда меҳнат қонунчилиги талаблари кўпол равишда бузилиб, уларнинг 20-30 йилдан буюн банкда фаолият юритиб келётгани инобатга олинмаган. Умуман олганда, ходимларни ишдан бўшатишда Меҳнат кодекси нотўғри талқин қилинган. Бунинг натижасида ходимларнинг ҳуқуқлари бузилган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан ходимлар ҳуқуқларини тиклаш мақсадида Фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилди. Бир неча маротаба бўлиб ўтган суд муҳокамаларидан сўнг барча ходимларнинг ҳуқуқлари тикланиб, уларни аввалги лавозимига ишга тиклаш ҳамда мажбурий проғул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар учун компенсация маблағлари ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди. Суд қарори билан банк ходимларига 200 миллион сўмга яқин пул маблағлари ундириб бериладиган бўлди.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Мансуржон УСМОНОВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.





## БАНДЛАР БАЖАРИЛИШИ ТАЪМИНЛАНДИ

Хоразм вилояти суди меҳнат жамоасининг маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида жамоа шартномасининг 2023 йилдаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят суди раиси Ш.Камолов ҳамда касаба уюшма кўмитаси раиси З.Якубовнинг кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳисоботи тингланди.

Таъкидланганидек, йил давомида касаба уюшма кўмитасига келиб тушган 21 та ёзма ва 2 та оғзаки мурожаатлар талаби қаноатлантирилди. 13 нафар ходимга санаторийда саломатлигини мустаҳкамлаш учун имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Шунингдек, 5 нафар ходимнинг фарзандлари болалар оромгоҳларида соғломлаштирилди. 5 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. 10 нафар ходимнинг Тошкент шаҳрига саёхати уюштирилди. Ҳисоботларда шу каби бир қатор рақамлар тилга олинди.

Музокарада билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида Жамоа шартномасидаги барча бандлар бажарилишини доимий таъминлаш ва ҳамкорликни янада кучайтиришга келишилди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро ишлар бўлими бош мутахассиси Э.Шукуруллаев, Федерациянинг вилоят кенгаши бўлим бошлиғи Х.Отажонов, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Ш.Аллаберганов сўзга чиқиб, касаба уюшмалари тизимидаги янгиликлар ҳақида тўхталдилар.

**Руслан БОБОЖОНОВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси уринбосари



Конференция

## ҲУЖЖАТ ИЖРОСИ

Эл саломатлиги посбонларига муносиб меҳнат шaroитлари яратилгани?  
Ходимлар ва улар оила аъзоларини дам олдириш, саломатлигини муҳофаза қилишда белгиланган метёрларга амал қилиняптими?

Самарқанд давлат тиббиёт универсitetининг кўп тармоқли клиникасида жамоа шартномаси мажбуриятлари бажарилишига бағишланган меҳнат жамоасининг конференциясида мана шу масалаларга ойдинлик киритилди.

Иш берувчи ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчисининг ҳисобот маърузаларида ходим моддий манфаатдорлигини ошириш, меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам эътибордан четда қолмади.

Эътироф этилганидек, клиникада меҳнатга ҳақ тўлаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, техник ходимларни ишчи коржомалари билан таъминлаш, ходимлар саломатлигини муҳофазалашга қаратилган тадбирлар ўз фурсатида бажарилмокда. Айни чоғда 751 нафар ишчи-ходимларнинг барчаси бепул тиббий кўриқдан ўтказиб келинмокда. Байрамлар, тиббиёт ходимлари ва ҳамширалар куну муносабати билан 80 нафар ходимга касаба уюшма кўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилган. Шунингдек, фаол ҳамшираларнинг 21 нафари Тошкент шаҳрига, 8 нафар ходим эса Хоразм вилоятининг Хива шаҳрига саёхатга юборилди.

Конференция делегатлари бир овоздан жамоа шартномаси ижросини қoникарли деб баҳолашди.

**Сардор ҲАМИДОВ,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси

2

DAVR

Har bir kishi asosan qo'lidан keladigan  
va o'ziga yarashadigan ishga urinishi zarur.

ARASTU

Йиғилиш

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ  
ХОДИМЛАРИ КАСАБА  
УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА  
КЕНГАШИ «2020-2025 ЙИЛ-  
ЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲА-  
РАКАТ ДАСТУРИ»НИНГ 2023  
ЙИЛДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР  
ВА 2024 ЙИЛДАГИ УСТУ-  
ВОР ВАЗИФАЛАР ЮЗАСИДАН  
ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ. УНДА  
КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ, ТАФ-  
ТИШ КОМИССИЯСИ, ФАОЛ-  
ЛАР ВА БОШҚАЛАР ИШТИ-  
РОК ЭТИШДИ.



## МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Бошқа йиғинларга нисбатан анча тахлий-тай-танқидий руҳда ўтган машвараатда қатор масалалар муҳокама қилиниб, камчиликка йўл қўйган масъуллар оғохлантирилди. Юзага келган муаммоларни бартараф этиш ва ижобий ҳолатга эришиш юзасидан бир нечта тегишли қарор қабул қилинди.

Қайд этилганидек, республика кенгаши бултур тармоқдаги ташкилотларда ўртача иш ҳақи ва унинг таркибий қисмларини таҳлил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорига риоя этилиши ҳамда ходимларга тўланадиган ҳақ уларнинг малакасига мувофиқлиги ва бошқа масалалар юзасидан ўрганишлар олиб борди.

Ўрганиш натижаларига кўра, охириги пайтда мурожаатлар сони нисбатан кўпайган, бу айниса, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Айрим бошланғич ташкилотларда таътиллар жадвали ҳамда бошқа ички локал ҳужжатларнинг баъзилари халигача янги Меҳнат кодексига мослаштирилмаган.

Бундан ташқари, айрим ташкилотларнинг амалдаги жамоа шартномаларига қўшимча ўзгариш киритилмагани, сабабли, чиқарилаётган буйруқларда таътил кунлари ҳар хил қилиб белгиланган (календарь ва иш кунини), меҳнат таътилига доир чиқарилган буйруқларда эски тахрирдаги Меҳнат кодексининг 131-моддаси асос сифатида олинган, ходимга таътил маблағи белгиланган тартибда зид равишда 1-2 ой кечиктириб, тўлаб берилган.

Шунингдек, ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ билан ходимни таништирмаслик, меҳнат таътили тўловини белгиланган муддатда бермаслик ҳолатларига йўл қўйилган.

Ачинарлиси, баъзи иш берувчилар меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси талаблари бўйича иш тутмагани, ходимларга тегишли йўл-йўриқлар бермагани туфайли 2023 йилда тармоқда ишлаб чиқариш билан боғлиқ 6 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Афсуски, шундан утчаси ўлим билан аяқланган.

Тўғри, меҳнат чоғида вафот этган ходимларнинг оила аъзоларига 1 миллиард 140 миллион сўм (бир йўла тўланадиган) зарар пули тўлаб берилди. Лекин бу билан иш берувчининг ҳатосини ҳаспўшлаш дегани эмас. Аслида ҳар бир корхона ва ташкилот, ишчи-хизматчи йўл қўётган ҳатосидан тўри хулоса чиқариб олиши керак. Шунда-

гина меҳнат муносабатларида юқоридаги каби ҳалокатлар содир бўлмайди.

Йиғилиш мобайнида ишчи-ходимлар ва фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Хусусан, жамоа шартномаларида белгиланган талабларга биноан 711 нафар пенсия ёшидаги шахс нафақага чиқиши муносабати билан моддий рағбатлантирилди. Бу ишларга 1 миллиард 452 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Ҳамда 812 нафар ходимнинг юбилей саналари муносабати билан 1 миллиард 15 миллион сўм маблағ сарфланди. 2 минг 812 нафар пенсионерга 843, 2 112 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимга 887 миллион сўм миқдорига моддий ёрдам кўрсатилди. 124 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ва бошқа маиший эҳтиёжлари учун 644 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 1 минг 583 нафар фарзандига ўқув-қуроллари харажатларини қисман қоплашга жами 474 миллион сўм миқдорига пул ажратилди.

Жамоа шартномалари орқали хотин-қизларга ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларда кўмак бериш юзасидан муайян ишлар амалга оширилиб, ушбу мақсадлар учун етарлича моддий ресурс яратилди. Жумладан, йил давомида бола парваршида бўлган 302 нафар онага 135 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди.

Умуман олганда, сарҳисоб шуни кўрсатмокдаки, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши айрим жузъий камчиликларни ҳисобга олмaganда, бултур ўз олдига қўйган вазифаларни тўлақонли бажарган.

Табиийки, кенгаш бундан кейинги фаолиятида ҳам ишчи-ходимлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни ўзининг бирламчи вазифаси деб билади.

Тадбирда кун тартибидаги масалалар юзасидан кенгаш аъзолари, касаба уюшмаси кўмитаси раислари, фаоллар сўзга чиқиб, келгуси фаолиятни янада такомиллаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдиришди.

**Ўломжон МИРАХМЕДОВ**  
«ISHONCH»

Наманган вилояти

## ИШ ЖОЙЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашининг меҳнат-техник, меҳнат-ҳуқуқ инспекторлари ҳамда Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими вакили ҳамкорлигида бир қатор ташкилотларда гендерга оид аудит юзасидан ўрганишлар олиб борилди.

Наманган вилояти Транспорт бошқармаси, автомобиль йўллари бош бошқармаси ҳамда Наманган халқаро аэропортида ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма кўмитаси раислари иштирокида ўтказилган ўрганишларда кадрлар салоҳияти ва қўнимлиги ҳолати, ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши, хотин-қизларни иш жойида камситиш,

уларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳолатлари, хотин-қизлар ва эркекларнинг меҳнатига тенг ҳақ тўлаиши каби бир қатор масалалар таҳлил қилинди.

– Наманган вилояти автомобиль йўллари бош бошқармасида айни пайтда 1245 нафар ишчи фаолият олиб боради, – дейди меҳнат-техник инспектори Мирзанозир Қорабоев. – Улардан 75 нафари

эса аёллар. Ушбу ташкилотда ходимларнинг қўнимсизлиги атғи бир фoизни ташкил этар экан.

Ўрганиш ўтказилган барча ташкилотларда хотин-қизлар ва эркекларнинг меҳнатига турлича ҳақ тўланиши, аёлларни иш жойида камситиш, иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳoлатлари кузатилмади.

Ташкилотларда ўтказилган гендерга оид аудит натижасида иш берувчи томонидан қарорлар, буйруқлар, фармойишлар қабул қилишда, ходимларнинг ҳуқуқларига дахлдор бўлган локал ҳужжатларни қабул қилишда, меҳнат муносабатларини тартибга солишда хотин-қизлар ва эркеклар ўртасида гендерга оид тенглик талаблари бузилгани аниқланмади.

Ташкилотларга Гендер маслаҳат кенгаши фаолиятини юритиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

**Орзугул РУСТАМОВА**  
«ISHONCH»

Фаргона вилояти

## ЖАМОАНИНГ КАЙФИЯТИ ЯХШИ

Фаргона вилояти Мусиқали драма театрида жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши аяқлари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Айни пайтда жамоада 89 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатаётди. Улар томонидан сахналаштирилаётган томошалар каттаю кичикка бирдек манзур бўлмокда.

Тадбирда таъкидланганидек, жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси, ходимлар даромадини ошириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, саёхатлар уюштириш каби муҳим масалалар ўрин олган бўлиб, иш берувчи ва касаба уюшма кўмитасининг ҳисоботидан жамоа шартномасига киритилган барча бандлар бажарилганига алоҳида урғу берилди. Хусусан, 11

нафар ходимга касаба уюшма кўмитаси томонидан ёрдам кўрсатилган. 4 нафар ходим Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги сиҳатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаб қайтган. Жамоада кўп йиллар ишлаган, ўзининг фидойилиги билан ўрнатқ бўлиб келаётган ходимлар Хива, Тошкент каби шаҳарларга саёхатга юборилган.

Бир сўз билан айтганда, театр жамоасининг самарали ижод қилиши учун барча шaroитлар яратилган.

**Жамшид ЭРҒАШЕВ**  
«ISHONCH»



2024-ҲИЛ 19-МАРТ,  
SESHANBA  
№ 36 (4944)

Сирдарё вилояти

Жараён

## МЕҲНАТ АРБИТРЛАРИ ТАЙИНЛАНДИ

Ижтимоий-меҳнат муносабатларида ходимлар ҳимоясини таъминлаш бўйича янги ислохотлар амалга ошириляпти. Улардан бири меҳнат арбитражлари фаолияти йўлга қўйилаетганидир.

Меҳнат арбитражи, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия қарорига кўра, унинг ҳузурида тарафлар келишуви асосида ҳал этиш (тартибга солиш) учун ўзига топшириладиган жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) мақсадида тузилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Сирдарё вилояти уч томонлама комиссияси томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларга меҳнат арбитражи таркибини шакллантириш учун номзодлар тақдим этиш бўйича сўровлар ўтказилди. Пировадидида уч нафар кишидан иборат доимий фаолият юритувчи вилоят меҳнат арбитражи таркиби шакллантирилди. Комиссия қарори билан уч томонлама ижтимоий шерик-ҳамкор ташкилотлардан М.Абдурахмонов (Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси), Д.Пирманов (Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти Кенгаши) ва С.Амоников (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Сирдарё вилояти бошқармаси) уч йил муддатга меҳнат арбитри лавозимига тайинландилар.

Вилоят меҳнат арбитражи раиси лавозимига Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерация-

сининг Сирдарё вилояти Кенгаши Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири, арбитр Дилмурат Пирманов уч йил муддатга сайланди.

Эндиликда вилоят меҳнат арбитражи ўз фаолиятини тегишли низо асосида йўлга қўйиб, ходимлар (уларнинг вакиллари) ва иш берувчилар (уларнинг вакиллари) ўртасидаги янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шартларини (шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашни) ўзгатириш, жамоа келишувларини, жамоа шартномасини, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ ходимларнинг вакиллари билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш, ўзгатириш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунларни ва ҳуқуқий ҳужжатларни, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини қўллаш масалалари бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар, яъни жамоавий меҳнат низоларини ўз вақтида ҳолисона қўриб чиқиб, қарорлар қабул қилади.

Уйлаймизки, ходимлар манфаатлари ҳимоясига қаратилган ушбу ислохотлар ўз самарасини беради.

**Баҳор ҲОЛБЕКОВА**  
«ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

## ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Жорий йилги Давлат дастурига мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юртимиз корхона-ташкитотларида ишляётган ва умумтаълим муассасаларида ўқийётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва касаба уюшмалари фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида «Раҳбар ва ёшлар» учрашувларини ўтказмокда. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги 1-Шеробод туманидаги 61-Ангор туманидаги 28-умумтаълим мактабларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар медал-бийси, «Дўстлик» ордени ва «Шўхрат» медали соҳибни Абдукарим Аҳмедов билан ёш педагоглар ҳамда юқори синф ўқувчилари иштирокида шундай мулоқотлар ташкил этилди. Бу тадбирлар жараёнида навқирон авлод вакиллари кизиқтирган масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим изланди.

Термиз туманидаги 5-умумтаълим мактабида бўлган учрашув чоғи мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сифатли таълим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари ва етук кадрлар бўлиб вояга етишлари учун яратилмаётган шарт-шaroитлар, имкониятлар ва улардан унумли фойдаланиш зарурлиги содда-равон тилда ва аниқ мисоллар асосида тушунтирилди. Шунингдек, касаба уюшмалари ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Уларни уюшма аъзоллигига қабул қилиш, меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқий билимларини ошириш ва китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида «Касаба уюшмаси билим-дони» викторинаси ўтказилди. Ғолибларга Кенгашнинг махсус дипломи ва китоблар совға тариқасида улашилди. Мактаб кутубхонаси эса 200 дан зиёд бадий асарлар билан бойитилди.

**Чори ЖУМАКУЛОВ**  
«ISHONCH»

Эътироф

Президентимиз  
«Бу йил иқтисодиётимизда ҳаётий  
уйғониш ва юксалиш бўлади» деди то-  
морқа ва уй ҳўжаликларидаги имко-  
ниятларни тўлиқ ишга солиш орқали  
аҳоли даромадларини ошириш чо-  
ра-тадбирлари бўйича ўтказилган ви-  
деоселектор йиғилишида. Шу билан  
бирга одамлар яхши яшашига интила-  
ётгани, уларга маблаг ва кўмак бериб,  
даромад манбаи яратиш зарурлигини  
таъкидлади. Йиғилишда Сайхунобод  
тумани мисолида ҳудудлардаги муам-  
молар ва фойдаланилмаётган имко-  
ниятлар кўрсатиб ўтилди. Давлати-  
миз раҳбари тумандаги муаммоларни  
санаб, уларнинг ечимларини белги-  
лаб берди. Энг аввало, Сайхунободда  
17 мингта хонадонда томорқани ишга  
солиш, кичик саноат ва хизматларни  
йўлга қўйиш орқали, аҳолини даро-  
мадли қилиш вазифаси қўйилди.



# ЭНДИ БАРИ БОШҚАЧА БЎЛАДИ

## Меҳнат қиламан, даромад топаман, деган ҳар бир инсонга имконият эшикларигина эмас, дарвозалари ҳам очилди

«Гулистон – Сайхун» йўналишидаги автобус жойидан кўзгалар экан, бир аёл қўлида катта-катта идишлар билан ҳал-лослаганича чиқиб келди. Шу аснода ўтирганлардан бири унга сўз қотди:

– Каромат, нима қилиб юрибсан?

Аёл ўриндикқа жойлашаркан жавоб қилди:

– Бозорга сут топшириб кетяпман. Домий тирикчилик. Ўзи оладиган одамим тайин.

– Қанчадан топширяпсан?

– Литрини беш минг сўмдан.

– Ўзимизнинг маҳаллада сутни қабул қиладиган жой очилди-ку. Ёғли, ёғсизига қараб олти, етти минг сўмдан қабул қиляпти. Вақтинг ҳам кетмайди, яхшигина пул ҳам олсан. Президентимизнинг шарофати билан шундай яхши ишлар бўляпти-ей...

– Россияда ишлаб юрган ўғлим телефон қилиб, «Ростдан ҳам Сайхунободимизда шунча ўзгаришлар бўляптими, шунча қулайликлар берилляптими, бора-ман, энди ўзимизда ишлайман» деяпти. Жўралари ҳам қайтишга отланиб турган экан...

Автобусда гурунг қизиди. Сухбатларда давлат раҳбари ташрифидан сўнг сайхунободликлар руҳиятидаги ўзгаришни, янгилликка интилишни, вужудларига ғайрат инганини сезиш қийин эмасди.

Сайхунободга кириб борар эканмиз, йўл бўйидаги дарахтларга шакл бераётган, оқлаётган одамларга кўзим тушди. Кўчалар гавжум. Ҳамма юмуш билан банд. Бир пайтлар бу ерлар Мирзачўлни ўзлаштиришдаги энг оғир ҳудудларидан бўлган, деса ишчи қийин. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан элгиничи йилларига ҳам шўрхок, ботқоқ ва қамишзордан иборат бўлган бу жойларга республикамизнинг тоғли ҳамда аҳолиси гавжум вилоятларидан одамлар кўчириб олиб келинган. Улар дастлаб қамиш каппаларда яшаган. Оғир ва қийин шароитда ер очиб, деҳқончилик қилишган. Иккинчи жаҳон урушидан олдин гектаридан 12-15 центнердан ҳосил берадиган ерлардан кейинчалик, яъни ўтган асрнинг етмишинчи йилларида 40 центнердан ҳосил олина бошлаган. Бунинг замирида эса машаққатли меҳнат ётади. Сайхунободнинг ўзига хос шонли тарихи бор. Бушув зотли қорамоллар насли ҳам айнан шу заминда, дарё бўйларида яратилган. «Шўрўзак» массивида эса биринчи бор дренаж тизимига асос солиниб, шўрнинг ўзаги қирқилган. Бугун ҳам бу ерда ўша миришкор деҳқонлар, мохир боғбон ва сохибдорлар, тажрибали чорвадорларнинг авлодлари умргузаронлик қилишмоқда. Фарқ шундаки, бугунги одамларда яхши, фаровон яшаш учун имконият, шароитлар кўп. Бироқ, улардан етарли даражада фойдаланиляптими?

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида шулар ҳақида фикр юритилди. Президентимиз одамлар яхши яшашига интиляётгани, бунинг учун томорқа имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги, уларга маблаг ва кўмак бериб, даромад манбаи яратиш кераклигини таъкидлади.

– Ўртбошимиз тўғри айтдилар, туманининг энг катта захираси ҳам, имконияти ҳам – ер. Аҳолимиз 20 сотих, ҳапто, ундан ҳам кўпроқ томорқаларга эга, – дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сайхунобод тумани бўлими

бошлиғи, халқ депутатлари Сайхунобод тумани Кенгаши депутати Тоҳир Жавлонов. – Президентимиз ташрифидан сўнг маҳаллабай кесимида маҳалла драйверлари ўраниляпти. Туманда томорқа майдони 3340,6 гектарни ташкил қилади. 4220 та хонадон, яъни 30 фоиз аҳоли томорқадан самарали фойдаланиб келяётгани, қолган 70 фоизи эса фақат оила эҳтиёжи учунгина помидор, бодрина, булғор қаламши, картошка экаяётгани бор гап. Энди сайхунободликларнинг хонадонларида катта ўзгаришлар бўлади. Илк бор янги тажриба қилиниб, 19 та маҳалланинг ҳар бирига биттадан минч трактор, 4 тадан мотокультиватор олиб берилди. Ҳоким ёрдамчилари «1 сотих томорқадан камиди 1-2 миллион сўм даромад» деган мезон асосида аҳоли учун бизнес режа ишлаб чиқишмоқда. Маҳалладаги агрономлар билан бирга томорқа ерларини ҳайдаш ва экин экиш хизматлари кўрсатилади. Камхарж, эҳтиёжманд оилалар учун бундай хизматлар бепул амалга оширилади. Бу тажриба бутун республикада оммалаштириладиган бўлди. Бунинг учун биз сайхунободликлар намуна бўладиган даражадаги ишларни амалга оширишга алақадор киришганмиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 мартдаги «Аҳоли хонадонларида саноат усулида махсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захира-ларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди 2024 йилда экспортбон ва сердаромад экинлар экиш, аҳолининг бу соҳада билимини ошириш учун намунавий ўқув-тажриба майдонлари ташкил этиш кўзда тутилган. Шунга кўра Сайхунободдаги маҳаллаларнинг бир неча хонадонлари томорқаларида турли йўналишларга ихтисослашган намунавий ўқув-тажриба майдонлари ташкил этилди. Уларда одамлар томорқадан қандай натижа олишни ўз кўзлари билан кўришлари мумкин. Бундай ўзига хос усулда йўлга қўйилган томорқачилик алақадор кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, «Иттифоқ» маҳалласидаги Рисолат Ғуломова хонадони томорқасида ҳокимлик ва мутасадди ташкилотлар кўмағида кичик интенсиф боғ яратилди. Энди бу хонадондагилар икки сотихли иссиқхонада лимон, турли кўкатлар, кўчатлар етиштириш, 5 сотих ер майдонидан бир қанча йўналишда бир йилда умумий ҳисобда 70 миллион сўм атропоида соф фойда кўриш имкониятига эга.

Зулфия Нуралиева хонадони томорқасида эса академик Маҳмуд Мирзавев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти томонидан олма, анор кўчатлари экилган боғ барпо қилинди.

Хали яна қўллаб хонадонларда бундай лойиҳалар амалга оширилади. Мақсад, одамларни бор имкониятлардан тўла фойдаланиб, даромад олишга, турмуш шароитларини яхшилашга, фарзандлар келажаги учун сарфма топишга ўргатишдир.

Айрим мутахассислар Фарғона водийси вилоятларидаги 6 сотих томорқадан олинаётган даромад бу ердаги катта томорқалардан олинаётган даромаддан бир неча хисса кўп, дейишмоқда. Шу ўринда шароит, ернинг таркиби, деҳқонларнинг билим даражаси

ҳисобга олиниши керак, назаримизда.

Халқимизда «Қанча еринг борлигини айтма, қанча сувинг борлигини айт» деган ҳикмати сўз бор. «Фаровон» маҳалласидагилар ўн беш йиллардан буён томорқаларини оқар сув билан суғормайдилар. Аҳоли 12 метрдан 25 метргача бўлган қудуқлардан насослар орқали обихаёт тортиб, экинларини суғоради. Бу сув ернинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосилдорлик йилдан йилга пасаймоқда. Оқар сув кел-маса ҳам одамлар ер солигини тўлалигича тўламоқда.

Энди Сайхунободда тадбиркорлик, томорқачилик билан шуғулланиш истагида бўлганлар ўқитилади. Паррандачилик ва чорвачилик йўналишида ветеринария хизматини тўғри ташкил қилиш, участкаларга бириктирилган ветеринарларнинг масъулиятини ошириш, уларни хусусий сектор билан яқиндан алоқа ўрнатишларига эришиш саъй-ҳаракатлари бошланиб кетган. Тадбиркор товуқ олмасдан мутахассис товуқхона шароитини кўздан кечириб, ўз хулосасини беради, товуқларнинг қундалиқ рационини белгилайди. Энди паррандабоқар тадбиркорнинг давлат кредити ҳисобига фалон миллион сўмга олган товуқлари бир ой ўтмасдан қирилиб кетмайди...

Томорқадан унумли фойдаланиш учун ишбилармон оила иссиқхоналарда етиштирадиган экиннинг агротехникасини яхши билиши зарур. Шуни назарда тутиб, уларга малакали мутахассислар, агрономлар бириктириб қўйилмоқда.

Президентимиз «Бўйлиқтисодиётимизда ҳаётий уйғониш ва юксалиш бўлади» деди томорқа ва уй хўжаликларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида. Шу билан бирга одамлар яхши яшашига интиляётгани, уларга маблаг ва кўмак бериб, даромад манбаи яратиш зарурлигини таъкидлади. Йиғилишда Сайхунобод тумани мисолида ҳудудлардаги муаммолар ва фойдаланилмаётган имкониятлар кўрсатиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари тумандаги муаммоларни санаб, уларнинг ечимларини белгилаб берди. Энг аввало, Сайхунободда 17 мингта хонадонда томорқани ишга солиш, кичик саноат ва хизматларни йўлга қўйиш орқали, аҳолини даромадли қилиш вазифаси қўйилди.

– Давлатимиз раҳбари камбағалликни тугатиш, халқнинг фаровон ҳаёт кечирishiни таъминлаш учун туманга кўпроқ инвестиция киритиш, кичик бизнесни ривожлантириш, томорқадан унумли фойдаланиш, хусусий секторда чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, балиқчиликни ривожлантириш борасида йўл-йўриқлар бердилар, – дейди Халқ депутатлари Сайхунобод тумани Кенгаши депутати Эркин Саидов. – Энди бизда ҳамма имкониятлар бор. Президентимизнинг айнан туманимизга ташрифидан қувондик, кўнгил яқинлигини туйдик. Маҳаллаларга, кўчаларга, хонадонларгага кириб боришларини бир ибрат билдик. Мен ҳам тадбиркорман. Фаолиятимни йўлга қўйишда кўп қийинчиликларга учраганман. Бугун энди ҳаммаси бошқача. Меҳнат қиламан, даромад топаман, деган ҳар бир инсонга имконият эшикларигина

эмас, дарвозалари ҳам очилди.

Дарҳақиқат, «Бир мева, бир маҳалла» тизимининг йўлга қўйилиши ҳам янгилик. «Пахтакон» маҳалласидаги Турсунбой Ариповни ҳамма миришкор боғбон сифатида билади. Ўзоқ йиллардан буён узум етиштириб келади, ток парваршининг ҳадисини олган. Айни пайтда узумнинг ризамат, хусайни, келинбармоқ, шохонаки, кетмонсопи навларини кўпайтирмоқда.

– 5 тул тоққа янги «аватар» навини пайванд қилдим, – дейди боғбон. – Бу нав бозорбон, нархи балан.

Турсунбой отанинг ўғиллари – Азимжон билан Азаматларнинг катта томорқалари ҳам узумзордан иборат, ҳар йили мўл ҳосил олишади. Президентимиз ташрифи чоғида Турсунбой Ариповга «Кобальт» машинасини совға қилди ҳамда маҳалладаги узум етиштирувчиларга мураббийлик қилишини сўради.

– Фарғона водийсининг Олтириқ туманидаги «Ўзумчи» маҳалласи сингарини энди бизнинг маҳалла ҳам узумчилик билан шуғулланади, – дейди боғбон, – ҳамқишлоқларимга бу борада қўлимдан келганича хизмат қиламан.

Отанинг кенжа ўғли Азаматжон анчадан буён Россияда ишлайди. Давлат раҳбари ташрифидан хабар топгач, уйдагиларга «Қандай зўр имкониятлар берилляпти. Мен энди ўзимизда ишлайман. Тез қўнларда қайтиб бориб, аввал ривожлантиролмаган ишим – паррандачилик билан шуғулланаман» деди.

Дарҳақиқат, Сайхунободда бирин-кетин анорзор, олмасор, лимонзор сингари хосланган маҳаллалар пайдо бўляпти. Бу эса етиштирилган ҳосилнинг харидорига ҳам, етиштирувчисига ҳам катта қулайликлар яратади.

Тумандаги деярли ҳар бир хонадонда чорва бор. Қунига ўртача 300 тонна сут олиниб, бошқа жойларга олиб бориб сотилади. Президентимиз ташрифидан сўнг сут қабул қилиш шохобчаси иш бошлади.

– 8 та маҳалладан қунига 5 тонна сут қабул қилиш имконияти бор, – дейди Сирдарё вилояти хайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат халфсизлиги давлат маркази лаборатория мудири Шохруҳ Мақулбеков. – Шохобчанинг ишга тушганидан аҳоли мамнун.

Бугун Сайхунобод катта ўзгаришлар оғушида. Туман аҳли республикага ўр-нак бўларли даражада ютуқларни кўлга қиритишга маҳкам бел боғлаган.

Ҳадемай, факат Сирдарёдаги эмас, пойтахт бозорлари пештахталарида ҳам марварид туллар пайдо бўлади. Уларнинг кўпи айнан Сайхунободдан. Кўп фурсат ўтмай, бозорларда турли мева-лар, балик, гўшт, сут, полиз махсулотлари янада сероб бўлади. Ўзимиздан ортиб четга ҳам йўл олади. Уларга эса, албатта, «Сайхунободда етиштирилган» деган белги қўйилади. Дастурхонлар ноз-неъматларга, одамларнинг ҳамени даромадга тўлади.

...Бугун Сайхунободда оппоқ тонг отди. Қуёшнинг майин нурлари дов-дарахтларни, борлиқни уйғотди. Сайхунободликлар эса ўзгача меҳр, ғамхўрлик, эътибор оғушида кўз очдилар.

Энди бари бошқача бўлади!

Баҳор ХОЛБЕКОВА  
«ISHONCH»



Носиржон ХАЙДАРОВ (ЎЗА)  
олган суратлар.



Маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилгандан буён уларнинг муам-моси билан ишлашда бир қанча ижобий ўз-гаришлар бўлди.

Биргина Чуст туманидаги «Тинчлик» маҳалласида «Ёшлар дафтари» орқали кўмак муҳтож йигит-қизлар учун шу кунга қадар қўллаб шароитлар яратилди.

Маҳалламизда айни пайтда 2763 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 714 нафари ёшлардир. Ҳозирда бизга «Ёшлар дафтари»да белгиланган 27 та ёрдам тури бўйича 47 та муурожаат келиб тушган бўлса, шундан 29 тасини ижобий ҳал қилишга эришилди.

Платформа орқали эса ёрдам олганлардан олти нафари ўзини-ўзи банд қилди. Улар орасида Дониёр Ғиёсхонов ҳам бор. У 2022 йилда асарачиликка кредит олиб, фаолият бошлаган бўлса, ҳозир қўшимча яна 2 та иш ўрни яратди.

Маҳалламизнинг фаол ёшларидан бири

## БОҚИМАНДАЛИК ИЛЛАТГА АЙЛАНМАСИН

Наргиза Саъдуллаева томорқасига бир сотих иссиқхона қуриб, гулчилик фаолиятини бошлаб юборган. Унга ҳам талабига яраша кўмак беришга эришилди.

Ваколатимиздан келиб чиқиб, ҳар бир хонадонга кириб ёшлар билан мулоқотда «Сизга нима керак, сиз нимани хоҳлясиз?» деб юзма-юз суҳбат олиб борамиз. Шу ўринда оғриқли бўлса ҳам таъкидлаш зарурки, гоҳида айримларнинг яшаш тарзи «Ёшлар дафтари»га киритилган мезонларга тушмаса ҳам, оилавий аҳоли яхши бўлса ҳам ёрдам сўраб келадиганлар бор. Улардаги боқимандалик кайфиятини йўқотиш учун ҳам маҳаллада тушунтириш ишлари олиб боряпти.

Суҳбат чоғида кўринадики, уларнинг кўпчилиги меҳнат қилишни хошлашмайди, айримлари тезда бойиб кетиш илинжида

юришади. Бундай ёшлар тоифасини йўлга солиш мақсадида бир неча ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсиялар ташкил этдик. Тадбиркорлар билан суҳбатлар уюштирдик. Аммо аксарияти боқимандалик кайфиятидан ҳали ҳам чиқолган йўқ.

Яна бир тоифа ёшлар хорижий тилларни ўрганишини истади. Бунинг учун ўқув курсига тўлов суммасини беришимизни хошлашади. Уларга «IBRAT Academy» иловасидан бепул фойдаланиб, хорижий тилларни тез ва ўзбек тилида осон ўрганиш мумкинлигини тушунтирамиз. Тушунгандек бўлишди-ю, аммо барибир ўқув курсларига давлатдан моддий ёрдам кутишди.

Маҳалладаги айрим тоифадаги ёшларнинг фикру дарди моддий ёрдам олиш. Муурожаатчи ёшлар «Агар «Ёшлар дафтари»га рўйхатга олмасангиз, порталга чиқа-

ман, «юқорига» ёзмаман» каби мазмундаги дағдағадан ҳам қайтмайди. Ваҳоланки, оилавий аҳоли ўрганилганда белгиланган мезонга тўғри тушмайди. Бойси, улардан-да муҳтожлар борлигини айтсангиз тушунишни исташмайди.

Шу ўринда айтмоқчи эдимки, тўрт мучаси соғ, меҳнат лаёқатига эга, куч-қувватга тўла ёшлар бугун давлатга кўмакчи бўлиш ўрнига осмондан чалпак кутиб ётиши ҳеч қандай мезонга тўғри келмайди. Уларга айтишни истардимки, ён-атрофингизга қаранг, жамиятга нафи тегаётган минглаб тенгдошларингиз бор. Улардан ўрناк олинг! Боқимандаликни касбга айлантирманг!

Отабек ҚОБИЛОВ,  
Чуст туманидаги «Тинчлик»  
маҳалласи ёшлар етакчиси

### Ёшлар фикри

Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Андижон давлат универ-ситетининг ҳодимлар ва талабалар касба уюшма кўмитаси раиси Мирзабахром Ботировга волидаи муҳтарамаси

Мукаррамхон

БОТИРОВА

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши жамоаси Таълим ва фан ҳодимлари касба уюшмаси Бахмал тумани кенгаши раиси Норкул Очиловга онаси

Тилла ая ОЧИЛОВА

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдирди.



Фаргона  
вилояти

Кўрик-танлов

## БОР МЕҲРИМ ОНАМГА!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фаргона вилояти кенгаши «Бор меҳрим онамга!» шиори остида ижодий ишлар кўрик-танловини ўтказди. Қувонарли жиҳати, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятларидан ҳам ижодий ишлар келиб тушди.

Танлов якунига кўра, Ҳуснида Майнисова «Энг яхши бағишлов шеър», Лайло Турсунова «Энг яхши бағишлов кўшиқ», Лазоқатхон Жаборова «Оналарни улуғловчи энг яхши расм», Ёркиной Қосимова «Оналарни улуғловчи энг яхши фото», Шоҳсанам Холмирзаева «Энг яхши видеоролиқ», Камолитдин Нишонов «Энг яхши дил изҳори», Обид Худоевров «Энг яхши ижодий иш» номинациялари ғолиблари бўлишди.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Фаргона вилояти кенгаши  
раисининг Ёшлар масалалари  
бўйича маслаҳатчиси



Қашқадарё  
вилояти

Чироқчи туманининг «Соҳил» маҳалласида яшовчи ёлғиз она Жонгул Эшназарова ногиронлар сирасига қиради. Буям етмагандай, ўғиллари Сардор ва Мансур ҳам касалликка чалинди. Шифокорлар уларнинг бирига юрак пороги, иккинчисига бўйрак етишмовчилиги таъминини қўйишди. Ака-ука ҳар жойда ишлаб топган пуллар оз бўлса-да, оиланинг қориги яраб турганди. Энди эса бу имкониятдан ҳам маҳрум бўлишди.

Бор бўл, оқибат!

## ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ЁЎДУ БИЛАН...

Хайриятки, дўстлари ва ҳамқишлоқлари уларнинг тақдирига бефарқ бўлишмади, билъакс, маълум миқдорда маблағ йиғиб беришди. Шунинг эвазига Сардор юрагиди жароҳлиқ амалиётини ўтказди ва соғлиғи яхшилана бошлади. Маҳалла фаоллари эса оиланинг моддий-иқтисодий шароитини ўрганиб чиқиб, Жонгул опани «Темир дафтар»га киритишди. Туман Ички ишлар бўлими ва сектор бошлиғи Актамали Бешимқулов фуқаролар билан учрашув чоғи бу оиланинг қичкина ва анча таъмирталаб бўлиб қолган уйи ўрнига янгисини қуриб бериш ташаббусини илгари сурди.

Кўп ўтмай эзгу ниятда беш хонали уйга пойдевор қўйилди. Бўлтур ёзда девори кўтарилди, қузда томи ёпилди, қишда пардозлаш ишлари олиб борилди. Бу ишларнинг бошида сектор масъуллари туришди. Яқинда эса Жонгул опа фарзандлари билан бирга гўзал қилиб жиҳозланган, ҳатто телевизор ҳам ўрнатилган янги хонадонга кўчиб кирди. Бундан ташқари, унга субсидия асосида тикув машинаси совға қилиниб, озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Ховли тартибга келтирилиб, 50 туп меваали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Албатта, бундай эътибор ва ғамхўрликдан Жонгул опа беҳад қувонди. Адолатпарвар давлатимизга, саховатли инсонлар шаънига дуо-лар ўқиб, раҳматлар айтди. Нуруний отахону онахонлар эса унга янги уйга келинлар тушириб, этак-этак набиралар кўришини тилашди...

Акмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»



Сурдарё  
вилояти

Мусобақа

## СПОРТГА ОШНО АЁЛЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидоғи «Янгиер» санаторийси неврологик, кардиологик, ҳаракат-таянч, гинекологик, урологик ва бошқа хасталиклари бўлган дам олувчиларни соғломлаштиришга мўлжалланган.

226 ўринли сихатгоҳда 85 нафар ишчи-ходим, малакали мутахассислар, ўз касбининг фидойилари ишлайди. Улар намунали хизмат кўрсатиш билан бирга ўз саломатликларини муҳофаза қилишни ҳам унутмайдилар.

Яқинда ушбу масканда хизмат қилаётган аёл ишчи-ходимлар ўртасида «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида мусобақа ўтказилди. Шашка, стол тенниси, 100 метр масофага югуриш ва волейбол турлари бўйича бўлиб ўтган беллашувлар нихоятда қизиқарли кечди. Ошхона ходимаси Ойгул Омонова шашка бўйича биринчилиكنи қўлга киритган бўлса, ҳамшира Зулфинор Турғунбоева стол тенниси ва 100 метр масофага югуриш бўйича пешқадамликни ҳеч қимга бермади. Волейбол бўйича санаторий ошхонаси аёллар жамоасига омад қўлиб боқди.

Ғолиблар эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Насиба ҚУВОНДИҚОВА



Мулоҳаза учун мавзу

# УЯТЛИ МАВЗУДА УЯТЛИМИЗ!

Тунов куни бир танишим гапдан гап чиқиб, отасининг «ўлғудай ўжар» лиги ҳақида гапириб қолди. Унинг айтишича, отаси узоқ масофада йўлга чиқишда доим инжиқлик қилар, енгил машинада юришга ҳеч унамас экан.

Саксон ёшни қораллаган отахонни на ўғиллари, на набиралари ўз уловларида Тошкентга келиб-кетмишга ҳеч қўндиролмас, бобонинг билгани, «ёпишиб олгани» поезд экан.

Бир ҳисобда отахон ҳақ. Чунки поезд арзон, ишончли ҳам хавфсиз. Айниқса, қишда. Аммо айни ёзда, қўзланган манзилга машинада маза қилиб, шамоллаб келиб-кетса бўлади-ку. Афсуски, ҳамма гап ўша йўлда, аниқроғи, йўлда «шамоллаб олишда»...

Отахоннинг «инжиқлиги» шундаки, у «заҳар танг қилганда», керак бўлса, отдан ҳам тушмаслиқка ҳаракат қилади-кан қариялардан. У йўлда кетаётганда «бўйлаш» учун «заправка»га етиб олишга тоқат қилолмайдди, очиқ жойда эса ийманади.

Кўрганмиз, кўникканмиз шунки, катта йўлларнинг четида алоҳида, махсус қурилган ҳолатхоналар йўқ ҳисоби. «Заправка»га етиб олгунча кимдир чидайди, кимдир эса йўл четида...

Баён қилинган бу ҳолат жуда кўпчиликка яхши таниш. Шу десангиз, ёнлиги қўйиш шохобчалари эгаларига ҳар кунги мўмай-гина даромад камлик қилади чоғи. Чунки деярли ҳамма «заправка»да ҳолатхона пулли. Аммо уларнинг ҳаммасиям санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб бермайди.



### СТАДИОН

Тасаввур қилинг: кун совук, стадионда беш минг нафар муҳлис. Танаффус пайти ишқибозларнинг камида тенг ярми «чиқиб келишади». Пастдаги «посбон»лар эса ҳар бир кишидан 2000 сўмдан олишади.

«Ишқилиб, шундай совук кунларда ўйинлар кўп бўлаверсин», деб «нийят» қиладиганлар ўйиндан сўнг «тушум»ни арра қилишади. Улар учун стадионга қанча кўп одам тушса, шунча яхши.

Мен шу, бир нарсасига ҳеч тушуниб-тушунмайман, футбол ишқибози стадионга чипта сотиб олиб қиради, тўғрими? Аммо ичкарида ҳожатхона пулли. Нега? Аслида қандай бўлиши керак? Аслида...

Биз турли соҳаларда жорий қилинаётган янги амалиёт ва ўзгаришларни ҳорижий илғор давлатлардан андоза олингани билан изоҳлашга, асослашга одатланганмиз. Бу яхши, лекин...

Гапнинг қисқаси, кўплаб юртлардаги стадионларда ҳожат учун пул тўланмайди. Ҳаммаси чиптанинг ичида. Бизда у...

### ОШХОНА, КАФЕ...

Яқинларингиз билан овқатланиб, гурунглашиб ўтирибсиз. Бир маҳал «зарурат туғилади». Чиқиб келасиз, «чикимча» қилиб.

Шунақа энди, нима дейсиз, кўпгина овқатланиш шохобчаларида ҳожатхона пулли. Айрим тадбиркорлар ўша «жой»дан ҳам «соққа» қилишади. Улар «тўчка»ларга асосан аёлларни ёллашади ва улар билан келишиб, шартлашиб олишади. Яъни «тушум» мижозларнинг кам ёки кўплигига қараб бўлинади.

Ўша гап: «бечора» тадбиркорларга қуниқ тушум камлик қилса керак-да...

### БОЗОР

Ўзи шундоғам ғажум бўладиган бозорлар шанба ва якшанба кунлари роса «қайнайди». Ўша кунлари энг катта «тушум» бозорларда, катта бозорларда бўладиёв.

Очғи, ҳали бизда камчилиги кўп – бозорлар кўп. Муаммолар етарли. Улардан бири...

Шундай бозорлар борки, ҳожатхонасига кириб бўлмайди, кўнглинг айнайди (даҳшат). Аммо пулли. Ҳозирча 2000 сўм.

Афсуски, «Шунча пул олганидан кейин ҳаммасини тўғри-лаб қўй, тозалаб қўй», деб талаб қиладиган мард йўқ, масъул йўқ!

### «ВАН ДОЛЛАР»

Юртимизда туризм ривожланмоқда, эътибор катта. Кейинги йилларда сайёҳлар сони сезиларли даражада ошди. Ҳаммаси яхши, ҳаммаси аяло! Аммо, фақат шу...

Ўйинга қизиқиб, стадионга тушган, меҳмонхонадан ташқарида ҳам таомланишни ихтиёр этган, айлангани бозорга борган ҳорижий сайёҳларни яна бир «жиҳат» билан «лол» қолдириямиз.

Бу ҳали ҳолва. Энг даҳшатлиси, дунё сайёҳларини ўзига жалб этадиган кўхна ва гўзал масканларимиз, қадимий зиёратгоҳларимизнинг кўпчилигида ҳам шу «аҳвол». У ерлардаги «эшик оға»лар чет эллик



### «ИНКИЛОБ» БЎЛАРМИКОН?..

Бошқа шахарлар қатори пойтахтда ҳам «М» ва «W»ни топиш амри маҳол. Борларига ҳам кириб бўлмайди. Узоққа бормайлик, шаҳар марказидаги Амир Темури хёбони роса ғажум жой. Бу ерда сайёҳлар ҳам кўп бўлишади. Аммо шу ҳудуддаги ҳожатхона бир неча йилдан бери ишлаб-ишламайди, абгор ҳолатда, таъмирталаб. Менимча, «нозик» масалада бизда «инкилоб» бўлмайди. Эсимда, қайсидир йили замонавий ҳожатхона қурадиганларга солиқ бўйича имтиёзлар берилган эди. Аммо бу имтиёз деярли ҳеч қимни қизиктирмади. Чунки кўзга ташланадиган ўзгариш бўлмади-да.

Ёши каттароқ кишилар бир нарсани яхши эслашса керак. 90-йилларда энг биринчи хусусийлаштирилган объектлардан бири – бу ўша «объект». Бозорлар, «автостанция»лар, вокзалларда... илгари текин бўлган жойга танга билан қириладиган бўлди. Буни бошида кўпчилик «И-е, қанақасига, шунақаям бўладими?..», деб ҳазм қилолмади.

Хуллас, ўшандан буён «ўта муҳим объект»лардан «танга» қиладиганлар кўпайгандан кўпайди. Аммо шунча вақтдан бери «объект»ларнинг на сони кўпайди, на сифати ўзгарди.

Тўғри, айрим давлатларда «хамма хар қуни борадиган жой» пулли, баъзиларида эса текин. Демократизм, гап унда эмас, буғдойда...


Боя, юқорида бир гап айтилганди. Бизникилар тушум қилиш, жарима қўллаш учун «илғор» тажрибалардан андоза олишга бирам уста. Балки халқ учун ҳақиқий илғор тажрибалардан ҳам андоза олинар...

Алижон  
АБДУРАХМОНОВ  
«ISHONCH»

Қувчобек ТўРАЕВ олган суратлар

Муносабат

# БИЛИБ БОСИЛАЁТГАН «ТИКАН»



Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 16,5 фоизи тамаки маҳсулотлари истеъмол қилади. Боз устига, кейинги пайтларда юртимизда бу маҳсулотлар савдоси тобора авж олмоқда. Ана шунинг оқибатида кўча-кўйда, мишхоналарда ва турли-туман катта-кичик давраларда бемалол сигарета чекаётган кишилар кўпаймоқда. Бундай кашандалар орасида ёшлар ва аёллар ҳам кўп учрайди, 30 фоизини эса ҳали вошга етмаган ўсмир ўғил-қизлар ташкил этади. Улар тамакиннинг соғлиқ учун ўта зарарли эканлигини, бу ҳақда сигареталар қутиси устига ёзиб қўйилганини кўра-била туриб, уни истеъмол қилиш-

дан тап тортишмайди. Бир донишманд айнан шундай ҳолатларни назарда тутиб, истеҳзоли оҳангда «Хар йили миллионлаб одамлар чекишни ташлайди, унинг қутисиди ёзувини ўқиб эмас, ўлиб» деган эди.

Сигарета чекиш фақат кашанданинг эмас, балки унинг ён-атрофидаги кишилар ва оила аъзолари саломатлигига ҳам хавф туғдириб, турли касалликлар ривожланишига сабабчи бўлади. Қолаверса, оила бюджетига сезиларли миқдорда моддий зарар етказлади. Масалан, ҳозир бир қути сигаретанинг энг арзони 15 минг сўм. Бу демак, қунига бир қутидан сигарета чекилса, ҳар ойда 450 минг

сўм, икки қутидан чекилган тақдирда 900 минг сўм сарфланади. Ўша маблағлар аслида оиланинг моддий аҳволини яхшилаш, фарзандлар таълим-тарбияси, уларнинг сифатли овқатланиши, ораста қийиниши ва бошқа хайрли ишлар учун ишлатилса, фойдадан холи бўлмайди. Акс ҳолда, қуш уясида кўрганини қилади. Бугун сиз болаларингиз олдида оқибатини ўйламай тамаки маҳсулоти истеъмол қилсангиз, эрта бир кун келиб, улар ҳам худди шундай йўл туттишади.

Энг ёмони, чекиш одамзоднинг хуморини босишни мумкин, лекин ҳеч қачон соғлигини мустаҳкамлашга ва умрини узайтиришга хизмат қилмайди. Бинобарин, бу иллат жамият равнақига ҳам муайян даражада салбий таъсир қўрсатади.

Мухлиса ОРТИҚАЛИЕВА,  
Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси талабаси

МУАССИС:



2007-yil  
11-yanvarda  
O'zbekiston  
Matbuot va axborot  
agentligida 116-raqm  
bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va  
«Ishonch-Doveriye»  
gazetalarini  
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV  
(tahrir hay'ati raisi),  
Ulug'bek JALMONOV,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfulla AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOV,  
Nodira G'OYIBNAZAROVA,  
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning  
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV

(Mas'ul kotib – «Ishonch»),  
Valentina MARSENYAK  
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doveriye»)

Bosh muharrir  
Husan ERHATOV

Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti –  
(71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot –  
(71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy  
qadriyatlar va sport –  
(71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar  
bilan ishlash –  
(71) 256-85-43  
Marketing va obuna –  
(71) 256-87-73

Hududlardagi  
muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –  
(+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati –  
(+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati –  
(+998-90) 080-93-38  
Jizzax viloyati –  
(+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati –  
(+998-99) 889-98-02  
Navoiy viloyati –  
(+998-99) 889-90-28  
Samarqand viloyati –  
(+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati –  
(+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati –  
(+998-90) 379-19-70  
Toshkent viloyati –  
(+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati –  
(+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati –  
(+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati –  
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan  
ma'lumotlarda manba  
sifatida gazeta nomi  
ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat  
nuqtali nazaridan  
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:

A. Abdurahmonov

Musahhihlar:

D. Xudoyberganova,  
D. Ravshanova

Sahifalovchi:

H. Abdullajilov

Boshiga topshirish vaqt – 22:40

Topshirildi – 23:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,  
payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning  
kompyuter markazida  
teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 087 ta

Shundan:

7431 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasi –

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi,

41-uyda;

19 182 nusxasi

«Erudit» MCHJ

bosmaxonasi –

Samarqand shahri,

Splamen ko'chasi,

270-uyda;

8474 nusxasi

«Poligraf-Press»

MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri,

Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda

chop etildi.

Gazeta ofset usulida,  
A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

Buyurtma G 311

1 2 3 4 5 6